



# Ishonch

**Ўқият**  
 Фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир.  
 Ислон КАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

### Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурига мувофиқ ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада рағбатлантириш, ёшларни, авваломбор касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Белгилансинки, микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан республиканинг касб-хунар коллежлари, академик лицейлари ва олий таълим муассасалари битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузилганда, банд ходимларнинг ўртача йиллик сони қонун ҳужжатларида белгиланган чекланган нормативдан кўпи билан 20 фойз оширилган ҳолларда, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлар уларда сақланиб қолади.
2. Бунда ходимлар сонининг оширилишига Ўзбекистон Республикаси касб-хунар коллежлари, академик лицейлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларининг ўқишни яқунлаган кунидан бошлаб 3 йилдан ортиқ вақт ўтмаган тақдирдагина йўл қўйилади.
3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодий вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.
3. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**  
 Тошкент шаҳри,  
 2010 йил 28 июл

**И. КАРИМОВ**



## Электрлаштирилган «Тошкент-Ангрен» темирйўли ишга тушди



Ўзбекистон темирйўлчиларининг яхши бир аънаси бор. **Мустақиллик** куни олтидан бирор катта қурилиш объектини фойдаланишга топширишда. **Темирйўлчилар ўзларининг касб байрами арафасида, яъни 28 июл куни Тошкентдан Ангренга** 114 километрли темирйўлни электрлаштиришни аяқлашди. **Ангрен шаҳрида уни фойдаланишга топширишга бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.** **Юртимиз темирйўл тизимида ўзига хос воқеа бўлиб қолажак мазкур бунёдкорлик ишлари ҳам мустақиллигимизнинг 19 йиллигига темирйўлчилардан муносиб тухфа бўлди.**

(Давоми 3-бетда)

## Миннатдорчилик хати

### «Эътибор ва эъзоздан қувватланаман...»

89 ёшдан, иккинчи жаҳон уруши қатнашчисман. Тинчлик бебаҳо неъмат эканлигини жуда яхши тушунаман. Қирғизистоннинг Уш шаҳри ва Жалолобод вилоятида содир этилган хунрезликлар кўпчилиги қатори менинг ҳам қалбимни ларзага солди. Ёвуз кучлар ўзбек ва қирғиз халқи ўртасига раҳна солиб, икки давлатни уруш оловига тортмоқчи бўлган эди. Аммо Президентимизнинг оқилона ва узоқни кўзлаб амалга оширган саяё-ҳаракатлари, халқимизнинг бағрикенглиги ва жабрдийдаларга кўрсатган меҳр-оқибати натижасида тинчлик сақлаб қолинди. Дунёни нафрат эмас, яхшилик омон асрайди.

Юртбошимизнинг Бухоро вилоятига сафари давомида бу воқеаларга доно сибсатчиларга хос босиқлик билан билдирган фикрларини телевизор орқали кўриб, юртимизнинг порлоқ келажаги ва куч-қудрати Ислон Каримовдек йўлбошич қўлида экан, мустақиллигимиз ҳамини барқарор бўлишига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим. Халқаро экспертларнинг эътирофи, айниқса, Кембриж университетининг профессори, Марказий Осиё бўйича Кембриж форуми раиси Сидхарт Саксвеннинг мактуби ва Қирғизистоннинг собиқ давлат котиби О.Ибрагимовнинг мақоласидаги фикрлар бу ишончнинг янада мустаҳкамлади. Ҳақиқатдан ҳам давлатимиз раҳбарининг вазирилик билан юртиватган оқилона сибсати туйфайли юз бериши муқаррар бўлган урушнинг олди олинди ва бу ҳақи равишда дунёнинг тараққийпарвар инсонлари томонидан эътироф этилди.

Оллоҳга минг шукурки, юртимиздаги тинчлик, қолаверса, тўрт мўчам соғсаломатлиги туйфайли салкам 90 ёшда ҳам меҳнат билан бандман. Бу аввало худонинг марҳамати бўлса, иккинчидан, мамлакатимизда инсон манфаатлари, унинг саломатлигига улкан ғамхўрлик кўрсатилаётгани самарасидир. Айниқса, Президентимизнинг нурунийларга эътибори ва раҳнамолиги менга бардамлик бахш этмоқда. Юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларидан руҳланиб анча ёшаргандайман.

Яхшилик яхшиликдан қувватланганидек, касаб уюшмалари ҳам эзгу ишлари билан мамлакатимиз тараққийоти, халқ фаровонлиги, қонунлар устуворлигини таъминлашга улш қўшмоқда. Қолаверса, бугун республика ҳукумати юртиватган изчил иқтисодий сибсатни қўллаб-қувватлаётган касаб уюшмалари ягона мақсад: янгиланиш даврида аҳолининг муҳтож қатламини ижтимоий муҳофазалаш, ислохотларни чуқурлаштириш орқали халқ фаровонлигини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётгани эзгу ишларга йўл очмоқда.

Холис фикр айтганда, ёшлар жўшқинлик билан, қариялар эса иймонни ўйлаб гапиряишади. Касаб уюшмаси томонидан менга «Чинобод» сибхатгоҳига берилган имтиёзли йўлланма, бу ерда кўрсатилган эҳти-

## Конференциядан конференциягача

Тошкент шаҳар касаб уюшма ташкилотлари бирлашмасининг V ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Унда шаҳар касаб уюшма ташкилотлари бирлашмасининг ўтган беш йилдаги фаолияти юзасидан Кенгаш раиси Нурилла Насимов маъруза қилди.



### Истиқбол томон навбатдаги қадам

Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тингланди. Маърузалар бўйича муҳокамада «Ўзметмашсаноат» тармоғи Тошкент шаҳар касаб уюшмаси кенгаши раиси Ш.Исроилов, Ўзбекистон Миллий университети 4-босқич талабаси, шаҳар касаб уюшмалари стипендияси соҳибаси С.Дучанова, спорт устаси, синхрон сузиш бўйича мамлакат тарма жамоаси аъзоси Л.Ҳасанова, «Шарк» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси касаб уюшма қўмитаси раиси Ф.Ҳакимов ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, беш йиллик фаолиятни қониқарли деб баҳолашди.


Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Дилбар Жаҳонгирова конференцияда сўзга чиқиб, делегатлар диққат-эътиборини бугунги кунда энг оммавий ташкилот олдида турган вазибаларга қаратиб, истиқболда амалга оширилиши лозим бўлган муҳим ишларга муфассал тўхталиб ўтди.

Шаҳар касаб уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ва тафтиш комиссиясининг янги таркиби тасдиқланиб, Нурилла Насимов яна Тошкент шаҳар касаб уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси этиб сайланди.

Ўзбекистон касаб уюшмалари V Қурултойига делегатлар сайланди ва ЎзКУФК таркибига шаҳар бирлашмасидан аъзолар тавсия этилди.

Конференция ишида Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқаҳор Тўхтаев қатнашди.

**З.РИХСИЕВ**  
 Икром ҲАСАНОВ олган сурат  
 (Конференция ҳақидаги материаллар газетанинг 2-бетда берилмоқда).



Президентимизнинг 2010 йил 28 майдаги «2010-2011 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, 20 июндан мамлакатимиз олий ўқув юрталарига қабул бошланди. Қарорда жорий ўқув йили учун 56607 нафар бакалавр, шу жумладан, давлат грантлари бўйича 19755 ва шартнома асосида 36852 нафар миқдорда, магистрлар эса 5856 нафар, жумладан, давлат грантлари бўйича 1561 ва шартнома асосида 4295 нафар миқдорда қабул қилиш белгиланган. Эртага яъни шу бўлажак талабалар учун ҳаяжонли кун. Бутун йил давомида биринчи августдаги имтиҳонга кунт ва тоқат билан тайёрланган йигит-қизлар тўплаган билимларини синонадан ўтказишади. Етуқ мутахассис бўлиш учун катта ҳаёт йўлига чиққан келажагимиз бунёдкорларига омадлар тилаймиз. Синовалар муборак, абитуриент!

Арслон КАННАЗАРОВ (ЎЗА) олган сурат

# Касаба уюшмалари – ходимларнинг ҳамкори ва таянчи



## Ҳисобот даврида

Наврӯз, Хотира ва кадрлаш куни, Мустиқлик ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси байрамлари арафасида кам таъминланган, кўп болали оилалар, касалмандлар, ёлғиз кексалар, уруш ва меҳнат фахрийлари, байналмилалчи жангчилар, талаба ва ўқувчилардан 17293 нафарига ҳамда Меҳрибонлик, Муруват, Саховат уйларига корхоналар ва касаба уюшма маблағлари ҳисобидан 169 млн. сўмдан зиёд хомийлик қўмағи, 41707 нафар меҳнаткашга 1,5 млрд. сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди.

## Олий ўқув юрларида таҳсил олаётган 966 нафар талаба учун пойтахтимиздаги корхоналар томонидан 352 млн. 402 миң сўм миқдорда контракт пулларининг бир қисми тўлаб берилди.

Бирлашма кенгаши хизматига олинган шаҳар корхона ва ташкилотлари бўйича ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш тадбирларини бажариш учун 16,5 млрд. сўм маблағ сарфланди. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодалар умумий кўрсаткичи 25 фоизга, ҳисобга олинган ишлаб чиқаришдаги ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодалар сони 2004 йилга нисбатан 1,5 бараварга камайди.

Муддати ўтган қарздорликни тугатиш бўйича касаба уюшма органлари томонидан ва Тошкент шаҳар ҳокимияти ёрдамида қўрилган чора-тадбирлар натижасида ҳисобот даврида 261 марта иш бевуқилар олди-га қўйилган талабномалар орқали 15 млрд. 23 млн. 351 миң сўмлик иш ҳақидан қарздорлик ундирилди. Мазкур масала касаба уюшма мажлисларида 74 марта, раёсат йиғилишларида 17 марта қўриб чиқилди.

Иқтидорли ёшларни ижтимоий ҳаётга янада кенг жалб этиш, ижтимоий ҳимоялаш мақсадларини кўзда тутиб ҳолда, таъсис этилган стипендияга олий ўқув юрларининг 55 нафар талабаси сазовор бўлди. 70 нафар коллеж ва лицей ўқувчиларига қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Жамоа шартномаси**  
Бирлашма кенгаши тасарруфидаги юридик шахс мақомига эга бўлган меҳнат жамоаларида 2005 йилда 2965 та жамоа шартномаси қабул қилинган бўлса, 2009 йилда 3234 жамоа шартномаси орқали 373 миң 735 нафар ёки ишловчиларнинг 87 фоизининг маънавияти қамраб олинди.  
(Ҳисобот маърузасидан)

## Ишончли қалқон

«Сафларида миллионлаб кишиларни бирлаштирган Ўзбекистон касаба уюшмалари ўз аъзоларининг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий, маънавий интеллектуал ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, жамиятда манфаатлар уйғуланиши таъминлаш борасида катта ишларни амалга оширмоқда». Мамлакатимиз раҳбарининг бу сўзлари нафақат эътироф, шунингдек, янада ғайрат-шижоат билан фаолият кўрсатиш учун рағбат ҳамдир. Айти пайтда Аграрно-иқтисодий ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши тасарруфидаги 178 та бошланғич ташкилот тизимининг 195 юридик шахс мақомига эга корхона ва ташкилотларига хизмат кўрсатмоқда. Асосий эътибор, табиийки, жамоа шартномаларини такомиллаштиришга қаратилади. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки амалдаги қонунлар энг кам миқдордаги ижтимоий зарурий кафолатларни

белгиланган боис, ушбу кафолатларнинг янада юқориқ даражасини фақат жамоа шартномаси орқали корхона ва ташкилот маблағлари ҳисобидан амалга ошириш мумкин. Жамоа шартномаси тадбирларини бажариш учун ўрта ҳисобда ҳар бир ходим учун сарфланган маблағ йил сайин ўсиб, 2009 йил натижаларига кўра 1073,8 миң сўмни ташкил этди. Маълумки, ижтимоий-иқтисодий манфаатларни ҳимоялашни меҳнатни муҳофаза қилиш тасаввур этиб бўлмайди. Чунки яратилган шaroитга кўн нарса бол-лик. Шарoит кўнгиладигедек бўлса, фидо-корона меҳнат ҳам, ташаббускорликка интилиш ҳам ишчи-ҳодимни бир зумга бўлсин тарқ этмайди. Бу эса унумдорлик ва албатта, қўшимча даромад деганидир. Соғлом турмуш тарзини шакллантириш, сўлим сиҳаттоҳларда ҳордиқ чиқаришни йўлга қўйиш, санаторий-профилакторий-

ларда имтиёзли дам олиш, тармок меҳнаткашлари, айниқса, ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишларига зарур кулайликларни яратиш бериш, турли мусобақалар уюштириш... Буларнинг ҳаммаси маълум даражада сарф-харajatларни тақозо этади ва бу жамоа шартномасида ўз ифодасини топаган жойдагина уларни эмин-эркин амалга ошириш имконияти туғилади. Ҳозир ваҳ-қарсон қидирадиган, олма пиш — озғимга туш, дейдиган замон эмас. Ҳаракат бўлсагина баракат бўлиши кўриб турибмиз. Утган давр мобайнида нодавлат секторига мансуб 31 та корхонада касаба уюшма ташкилоти тузилиб, 1066 нафар ишчи жамоа шартномаси имтиёзли билан қамраб олинди. Энг муҳими, улар мустақам ва ишончли ҳимоя қалқонига эга бўлганликларини ҳис қилмоқдалар.  
**Ноила УМАРОВА,**  
Аграрно-иқтисодий  
ҳодимлари касаба  
уюшмаси Тошкент шаҳар  
кенгаши раиси

## Ҳисобот даврида

Сўнги беш йилда 213 миңдан зиёд, шу жумладан, шаҳар ташқарисидаги энг яхши оромгоҳларда Қорақалпоғистон Республикаси меҳнаткашларининг 10250 нафар болалари, Меҳрибонлик уйлариининг 3735 нафар тарбияланувчилари, касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамоати мактабларининг 1603 нафар ўқувчилари, Афғон уруши иштирокчилари, Чернобил АЭС фалокати оқибатини тугатишда қатнашганлар, кам таъминланган оилаларнинг 2136 нафар фарзандлари соғломлаштирилди.  
Пойтахт мактаблари қошидаги оромгоҳларда 54 миң 762 нафар ўғил-қизлар дам олдирилди.

Шу давр мобайнида санаторийлар ва дам олиш уйларида 45201 нафар, профилакторийларда эса 19652 нафар, ҳаммаси бўлиб 64853 нафар киши соғломлаштирилди.

Митрофанов номидаги сув спорти мажмуасида шуғулланишлари учун 32939 нафар ишчи-хизматчи, 970 нафар талаба ҳамда 70468 нафар болага имтиёзли чипта берилди. 3000 дан ортқ бола таҳсил олаётган 8 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабларига фаолият кўрсатишлари учун 1 млрд. 43 млн. сўм миқдорда маблағ йўналтирилди.

2005 йил ҳолати бўйича бирлашма кенгаши ҳисобида аъзолар сони 602494 нафар бўлса, беш йил мобайнида олиб борилган ишлар натижасида 20713 нафарга кўпайди. Бугунги кунда аъзолар сони 623207 нафарни ташкил этмоқда.

Кенгаш қошида нодавлат сектори билан иш олиб боруви мониторинг гуруҳи фаолияти йўлга қўйилди. Натжида сўнги 3 йил мобайнида 418 та янги ташкилот тузилишига эришилди.

## Бандлик

2005-2009 йиллар давомида Тошкент шаҳрида ижтимоий меҳнат билан банд бўлмаган фуқароларни ишга жойлаштиришга ёрдам бериш, иш бевуқи билан юзма-юз мулоқотда бўлиш мақсадида туманларда жами 215 марта бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Ушбу ярмаркаларда 295 миңдан зиёд фуқаро қатнашди. Уларнинг қарийб 133 миң нафарига турли ташкилот ва корхоналарга ишга жойлаштириш учун йўналтирилди.  
(Ҳисобот маърузасидан)

## Инсонни меҳнат улўғлайди

Баъзан у ёки бу касбни ихтиёр этган кишилар билан суҳбатлашиб қолганда, уларнинг айримлари таассуф билан бир вақтлар ўқиганлиги, лекин у ёки бу сабабга кўра, соҳа бўйича ишлаш имкони бўлмаганлигини айтиб қолишади. Албатта, ҳар ким айбни, аввало, ўзидан қидиргани дуруст. Лекин нафсиларини айтганда, бунинг учун шарт-шaroит ва албатта, муайян кафолатлар билан қўриша олинганлик ҳам ўта муҳим. Шу маънода Республика Президентининг қароридан келиб чиққан ҳолда, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2005 йил 14 октябрдаги 225-сонли «Давлат гранти асосида таҳсил олган олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга тақсимлашни таъминлаш чоралари тўғрисида»ги буйруғи айни муддао бўлди.

Бугунги кунда олий ўқув юрларида тақсимот комиссияси тузилган бўлиб, комиссия барча таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича Давлат грантлари асосида таҳсил олган битирувчиларни таълим муассасаларига, корхона ва ташкилотларга ишга юбориш билан шуғулланади. Мазкур комиссия зиммасига юклатилган вазифаларнинг ҳар бири ўта масъулият билан ёндашушни тақозо этади. Булар: олий ўқув юрларига ўқишга Давлат гранти асосида қабул қилинган талаба (бакалавр ва магистр) билан у қишнин тугатгандан сўнг ишга тақсимланган жойда камидан уч йил мажбурий ишлаб бериши тўғрисида икки томонлама шартнома тузиш; корхона ва муассасалар билан кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳамкорлик қилиш, талабалар амалиётини ишлаб чиқаришда ўтатиш учун 2- ёки 3-босқичлардан маълум корхона-

ларга бириктириб қўйиш, моддий-техник ҳамкорлик; ҳар йили 1 март-гача Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига жорий қўлув йилдаги битирувчилар тўғрисида, таълим йўналишлари (мутахассисликлар), ишга тақсимланувчи вазирлик, идора, муайян корхона ва муассасалар кесимида маълумот тақдим этиш ва ҳоказо. Буларнинг ҳаммаси, албатта, касаба уюшма ташкилотлари назоратида бўлиб, ёш мутахассисларнинг ижтимоий-иқтисодий муҳофазаси, уларнинг борган жойларида қийналиб қолмаслиги чоралари қўриломоқда. Агар таъбир жоиз бўлса, талабалар ўқиб юрган чоғларидаёқ касаба уюшма аъзолиги афзаллигини ҳис қилмоқлари учун барча ишлар амалга оширилмоқда.  
**Абдуҳалил РАҲМОНОВ,**  
шаҳар таълим ва фан  
ҳодимлари касаба уюшмаси  
кенгаши ташкилий ишлар  
бўлими мудири

## Ҳуқуқий ҳимоя

Ҳисобот даврида бирлашма кенгашининг юридик хизмати томонидан 3081 та ёзма ва озаки мурожаатлар қўриб чиқилиб, тушунтириш ва маслаҳатлар берилди. Урганган ёзма аризалардан 14 тасида ходимлар билан меҳнат шартномаси гайриқонуний равишда бекор қилинганлиги аниқланиб, улар ўз ишларига қайта тикланди. Тармок ташкилотларининг саъй-ҳаракати билан яна 36 ходимга шундай хизмат кўрсатилди.  
(Ҳисобот маърузасидан)

## Ғамхўрлик учун раҳмат

Ҳаёт шундай мураккабки, баъзан эртага нима бўлишини билмайсан киши. Турли вазиятларга дуч келишинг, бошингни қайси эшикка уришни билмай қолишинг мумкин. Ана шундай мушкул ҳолатга тушганда, яхшиямки, беғараз ёрдам қўлини қўзишга тайёр бўлган инсонлар бор. Касбим шифокор бўлганлиги боис, беморлар муолажа учун чин кўнгиладан миннатдорчилик билдирганда, тақдир мени шундай сийлаганлигидан қувониблар кетаман. Лекин, афсуски, ҳаёт бир текис кечмас экан. Мен Бектемир тумани тиббиёт бирлашмасида врач-травматолог-ортопед вазифасида ишлар эдим. Бир сабаб билан ишдан бўшатилдим. Узимдан ўтгани ўзимга аён. Яхши одамларнинг маслаҳати билан Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси кенгашига мурожаат қилидим. Тармок вакиллари тиббиёт бирлашмасига келиб, бош шифокор, касабақўм раиси ва менинг иштирокимда аризамни ҳолисона тарзда қўриб чиқиди. Ёш мутахассислигим, янги оила қурганлигимни эътиборга олган ҳолда аввалги жойимга қайта тиклашди. Бундай яхшиликни фақат ота-онагина қилиши мумкин.  
**Азизбек Қўлдошев**

## Маданият

Корхона ва ташкилотларда хизмат қилаётган ишчи ва хизматчиларнинг жами 31751 нафар фарзандларини киши ва баҳорги таътилларида мароқли дам олдириш учун Давлат цирки, Ўзбек Миллий академик драма театри, Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театри, Рус академик театри, Ёш томошабинлар театри ҳамда сув ҳавзаларига таширишлари уюштирилди. Шу мақсадлар учун касаба уюшма бюджети ҳисобидан 35 млн. 75 миң сўм маблағ ҳаражат қилинди.  
(Ҳисобот маърузасидан)

## Спорт

Ҳисобот даврида жами 4267 нафар оммавий разрядли спортчи, 475 нафар биринчи разрядли спортчи, 397 нафар спорт усталигига номзод, 75 нафар спорт устаси, 33 нафар халқаро тоифадаги спорт устаси таъйинланди. Жисмоний тарбия жамоалари ва спорт клублари сони 182 тадан 203 тага қадар кўпайди.  
(Ҳисобот маърузасидан)

## Оммавийликдан маҳорат сари

Қайси бир давлат ўз вакиллари-нинг халқаро аренада зафар қўчиб, юрт обрў-эътиборини юксак-юксакларга кўтаришини истамайди дейсиз. Ва албатта, шунга яраша саъй-ҳаракатлар, сарф-харажатлар-ни зиммага олади ҳам. Лекин эъти-роф этиш жоизки, ҳеч бир мамла-катда Ўзбекистонда амалга ошири-лаётганчилик кенг қўламли ва олис-истиқболга мўлжалланган ишларни қўрмайсиз. Бунинг билан спортчи-ни ривожлантириш жамғармаси тузи-лгандан бунён ўтган вақт мобайнида пойтахтимиздаги ўзгаришлар мисо-лида ҳам кўриш мумкин. Натижалар ҳам йил сайин яхши-ланиб бормоқда. Шаҳар касаба ую-шмалари жисмоний тарбия ва спорт жа-мияти вакиллари бўлиши 49 на-фар спортчи жаҳон майдонларида қучли бешликдан ўрин олганлиги, қолаверса, Пекинда бўлиб ўтган Олимпия ўйинларида Г.Хуббиева — энгил атлетика, О.Гнедовская — су-зиш, Л.Галиуллина — спорт гимна-стикаси бўйича мамлакатимиз шара-фини муносиб ҳимоя қилишгани бе-иктиёр дилларда фахр-ифтихор ҳис-ларини уйғотади. Утган йили Россиянинг Пенза шаҳрида спорт гимнастикаси бўйи-ча ўтказилган халқаро мусобақада голиб чиқиб, Сингапурда ташкил этиладиган биринчи ўсмирлар Олимпия ўйинларида қатнашиш

ҳуқуқини қўлга киритган Дилноза Абдусаломова умидли спортчилари-миздан яна биридир. Дилноза ўз фа-лолиятини 2000 йилда жамиятимиз тасарруфидаги олимпия захиралари ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабида тажри-бали мураббий Олга Нилованинг бошланғич тайёрлов гуруҳидаги ма-шуғуллордан бошлаган. У 2008 йил-дан Ўзбекистон терма жамоасининг асосий таркиб аъзоси бўлиб, кўп-гина халқаро мусобақаларда муваф-фақият қозониб келмоқда. Умидли ёш спортчиларимиздан яна бири Илдар Ҳафизов. Халқаро миқёсдаги спорт устаси, юнон-рум ку-раши бўйича миллий тер-ма жамоаси аъзоси. Дар-воқе, 2006 йилда ўтқа-зилган Осиё ўйинларида зафар қўчиб, қолаверса, Пекин олим-пиадасида катта тажри-ба орттирган истеъдодли спортчимиз айни пайтда

2012 йилда Лондонда бўлиб ўтади-ган Олимпиада ўйинларига терма жамоа сафида қизгин ҳозирлик қўра-ёттир. Интилганга тола ёр, дейдилар. Яра-тиб берилган шaroит ва астойдил ма-шқлар, энг муҳими, руҳинг тетиклиги вакилларимизни янги-янги зафарлар-га ўндаши, шубҳасиз. Бу эса, ўз на-вбатида, мамлакатимизда спортнинг янада оммалашувига хизмат қилади.  
**Баҳодир БЕГИМКУЛОВ,**  
шаҳар касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жа-мияти кенгаши раиси



Саҳифани «Ishonch» муҳбири Зайниддин РИХСИЕВ тайёрлади.

**Муҳаммадҷон ТўХТАМатов,**  
«Авиасозлар» Маданият саройи  
директори

## Буюк келажак бунёдкорлари Электрлаштирилган «Тошкент-Ангрен» темирйўли ишга тушди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилдаги қарорига асосан «Тўқимачи-Ангрен» темирйўлини электрлаштириш ишлари бошлаб юборилганди. 2007 йилнинг 19 февралда Юртбошимизнинг «Тўқимачи-Ангрен» темирйўли участкасини электрлаштириш лойиҳасини такомиллаштириш чоратadbirlари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Унга кўра ушбу темирйўли линиясини Германия тараққиёт банки ҳамда Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси ажратган кредит ва «Ўзбекистон темирйўллари» давлат акциядорлик темирйўли компаниясининг маблағи ҳисобидан электрлаштириш кўзда тутилган эди. Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 85,39 млн. АҚШ долларига тенг. 28 июль куни эрталаб электр поездида Тошкентдан йўл олган тангана иштирокчилари — йўлни электрлаштиришда қатнашган корхоналар вакиллари, кекса темирйўлчилар, чет эллик мەҳмонлар ва журналистлар электрлаштирилган 114 км. мафосани 1,5 соатда босиб ўтиб, Ангрен шаҳрига етиб келишди.

Тадбирни Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Б.Хўжаев очди ва мамлакатимизда темирйўли соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилганлигини, янги йўллари бунёд этиш, етук кадр-

лар тайёрлаш, ўзбек мутахассислари томонидан Афғонистонда қурилаётган 75 километрли «Хайратон — Мозори Шариф» линияси ҳақида қисқача тўхталиб ўтди.

Бунёдкорлик ишларида Германия, Хитой, Қувайт, Россия компаниялари қатнашди. СКАДА тизими, контакт боғланиш, тортиш нимстанцияси, микропроцессорли бошқарув ҳамда телекоммуникация ва ўқларни электрон ҳисоблаш тизимларида янги технологиялар жорий этилди.

Лойиҳа учун зарур материаллар, асбоб-ускуналар сотиб олиш ва етказиб бериш мақсадида «Ўзбекистон темирйўллари» ДАТК ҳамда Германиянинг «DE Consult» компанияси ҳамкорлигида тендер ўтказилди.

Қурилиш ишлари арафасида компаниянинг бир неча мутахассиси Хитой, Латвия, Франция ҳамда Германияда малака ошириб қайтди.

«Тошкент — Ангрен» линиясини электрлаштиришнинг самараси катта. Аввало, қатнов харажати 1,8 марта камаяди, ҳудуддаги экологик вазият яхшиланади, юк ва йўловчилар ташвиши осонлашади. Айтиш лозимки, ушбу йўлнинг электрлаштирилиши туфайли бу йўналишда 50 та янги иш ўрни яратилди.

Аҳдам ДАМИНОВ



Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар

Аҳмаджон Раҳматуллаев 16 йил муқаддам чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалигини ташкил этиб иш бошлаганда, атиги 5 гектар ери бор эди. Бошида қўли калталигидан анча қийналди. Охири миниб юрган «Жигули»сини сотди ва унинг пулига 20 бош зотдор мол, зарур техника сотиб олди. Туман бош зоотехниги Солижон Тожибоевдан ва бошқа тажрибали чорвадорлардан йўл-йўриқ, маслаҳат олиб турди. «Сигирининг сuti тилида», дейдилар. Жониворлар аниқ рақсон асосида, ўз вақтида парваришлаб борилади. Тез орада уларнинг маҳсулдорлиги ошди. Фермер хўжалигига қут-барака кирди.

Аҳмаджон даромади ҳисобидан янги чопиқ трактори, енгил ва юк машинаси харид қилди. Кейинги йили эса уй қурди. Фарзандларига тўй қилди. Хуллас, ҳалол меҳнат ортидан асло кам бўлмади.

У бошқараётган «Турон» фермер хўжалиги нафақат Сайхунобод туманида, балки Сирдарё вилоятида дондор жамоалардан саналади. Хўжаликда бугунги кунда 600 бош зотдор соғин сигир парваришланмоқда. 220 гектар экин майдонига эга. 20 та турли хил қишлоқ хўжалиги техникалари бор.

Яқинда жамоа ахли лизинг ҳисобидан 2 та «СамАвто» русумли сут ташигиша мўлжалланган машина сотиб олди. Янги соғилган сут зудлик билан ис-

## Ака-ука эш бўлса

### Чорвачилик комплекси қурилади

Тезмолчиларга етказиб берилган бўлди.

А.Раҳматуллаев пойтахтимизда ўтказилган «Агромини» катнашиди-ю, ороми йўқолди. Сутни қайта ишлашга мўлжалланган мини завод унда катта қизиқиш уйғотди. Фермер «Саноатқурилиш»

банкнинг вилоят бўлимидан 480 млн. сўм миқдорда имтиёзли кредит олди ва ҳамкорлар билан шартнома тузди. Айтиш лозимки, заводни ишга тушириш ҳаракатида елиб-югуриб юрибди. Агар бу иш амалга осса, 16 турдаги чорвачилик маҳсулотлари шу ерда қайта ишланиб қадок-

ланади. Бу билан фермер хўжалигининг иқтисоди янада юксалиб, кўплаб иш ўринлари яратилади.

Фермер хўжалигида бугунги кунда 200 нафардан зиёд ишчи-хизматчи фаолият

— Чорвачилик ҳазина манбаи, дастурхонимиз файзи экан, — дейди фермер.

Аҳмаджоннинг укаси Назир ҳам акасининг муваффақиятларидан руҳланиб, шекилли, чорвачилик ва паррандачиликка ихтисослашган «Наврўзбой» фермер хўжалигига асос солиди. Бу ерда 200 бош қорамол ва 100 бош ҳисор қўйи боқилади. Ҳадемай, 10 мингта зотдор парранда парвариши йўлга қўйилади. Демак, гўшт, сут, тухум янада мўл бўлади. Ака-укалар айти кунда ўз маблағлари ҳисобидан «Бирлашган» қишлоғида янги чорвачилик комплексини бунёд этаёпти. Бу қишлоқ ҳудудида келгусида фермер хўжаликлар тасарруфидаги савдо дўконлари қурилади ва арзон, сифатли чорва маҳсулотлари сотуви йўлга қўйилади, деганидир.

Анорбой НОРҚУЛОВ, «Ishonch»нинг жамоатчи муҳбири

Бир неча йил илгари йўналишларда қатнайдиغان автобуслар кам ва тикилиш бўларди. Бундан ташқари автобусларнинг кўпи эски, таъмирталаб эди. 2005 йили «Фаргона автотранспортхизмат» МЧЖ ишни кредит олиб, 46 та автобусни вилоятнинг серкатнов йўналишларига қўйишдан бошлади. Йўл ҳақи давлат стандарти бўйича белгила- ниб, Фаргона шаҳри марказида шохб- ет барпо қилинди. Хизмат сифати ва ходимларнинг хушмуомалалиги корхонанинг асосий шioriга айланди.

## Хизмат сифати ошди

Ҳозир 265 нафар ходим меҳнат қиладиган жамоага қарашли 130 дан ортиқ автобус вилоят йўналишлари бўйича йўловчиларни ташийди. Ҳар бир автобуста етти ёшгача бўлган болаларга, уруш қатнашчиларига, биринчи гуруҳ ногиронларига имтиёзли хизмат кўрсатилиши ёзиб қўйилган.

— Кунига ўртача 45 минг йўловчига хизмат кўрсатамиз, — деди корхона касаба уюшмаси раиси Умида Мапқузиева. — Аҳолига қўлайлик яратиш мақсадида диспетчерлик биносига терминал ўрнатилиб, чипталарни пластик карточкалар орқали сотиш ташкиллаштирилди. Корхона касаба уюшма кўмитаси маъмурият билан ижтимоий шерикичилик асосида иш юритиб, ижтимоий ҳимояни такомиллаштиришга ҳаракат қилмоқда. Бу йил 10 нафар ходим касаба уюшма маблағи ҳисобидан вилоятимиздаги «Зилол», «Нурафшон», «Темирйўлчилар» сўхатгоҳида соғлигини тиклаб қайтди. 20 нафар бола «Хумо», «Сотволдиёв» оромгоҳида дам олдирилди. «Фарғоний» дам олиш уйида корхона ходимлари учун турли байрамлар ўтказиб борилади. Вилоят металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмалари раислари кенгаши томонидан ўтказиладиган спартакиада ва бошқа тадбирларда ходимларимиз фаол қатнашиб келади. Жумладан, ўтган йили ўтказилган спартакиадада жамоамиз 3-ўринни қўлга киритди.

Ходимларга кўрсатилаётган эътибор, шубҳасиз, хизмат сифатида ҳам ўз аксини топмоқда. Ҳатто вилоятдаги уруш қатнашчилари, ногиронлардан раҳмат айтилган хатлар ҳам олаётир.

Манзураҳон ҚОСИМОВА, вилоят металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмалари раислари кенгашининг етакчи мутахассиси

## Адирлик оралиғидаги Қумуш Коса

Наманган вилоятида қурилаётган корхоналар бирлашиш дирекцияси бош муҳандиси Аҳмаджон Турсунов билан «Резаксой» сув омборини девордек ўраб турган адирликлар ён бағри бўйлаб борарканмиз, сув бор жойда гирёх кўкариши, боғлар яшнашига амин бўлди.

— Асрлар бўйлаб тарашадек қотиб ётган мана шу адирликлар оралиғида сув омбори қурилиши- ни биров ҳаёлига ҳам келтирмаган эди, — узилган гапни улаб да- вом этади Аҳмаджон ака.

— Бу ерда ба- ҳор ойларида атроф сал кўкариб олар- ди-ю, кўп ўтмасдан тагин яланғочланар- ди.

Баҳор яқин- лашгани сайин вилоят деҳқон- лари юрак ҳовучлаб ту- ришгани ҳам бор гап. Саба- би, тоғларда тўпланган қор бу фаслга ке- либ эрир ва Сирдарёда ул- кан оқимлар ҳосил қиларди. Оқибатда, Учқўр- гон, Уйчи, Наманган туманларида- ги юзлаб гектар экин майдонла- рини сув босар, қишлоқларга хавф таҳдид соларди. Ана шундай ортиқча сувни «Резаксой»га қамаб, вегетация даврида уларни экин майдонларига оқизиши, бо- шқа ойларида эса тоғлардан сизиб келаётган «Резаксой» канали су- вини тўплаб янги ўзлаштирилган экинзор ерларга йўналтириш ҳу- сусидаги ҳукумат қарори айти- муда бўлди.

Қурилиш бошланиши муносаба- ти билан эълон қилинган тендер таловда «Туполанг ГЭС қурилиш» ташкилоти ғолиб, деб топилди, бош пудратчи этиб тайинланди. Вилоятдаги ўнга ақин қурилиш ташкилотлари эса ёрдамчи пуд- ратчилар сифатида белгиланди.

2003 йилнинг дастлабки кун- лариданоқ иш қизгин тус олди, ўнлаб техника ва транспорт воси- талари жалб этилди. Режага кўра, Тўрақўрғон, Чуст ва Наманган ту-

ҳисобланарди. Ниҳоят, орзу ушладди. Сув омборининг 200 млн. кубометр сув тўплаш қувватига эга бўлган биринчи навбати 2008 йилда битказилди.

Қурилишда дастлаб саккиз юз нафар, гоҳо ундан ҳам кўпроқ киши ва юзлаб техника ишлади. Қашқадарё, Сурхондарё, Самар- қанд, Наманган вилоятларидан келиб меҳнат қилаётган Ибро- химжон Солиев, Абдушукр Бур- ҳонов, Алижон Холиқов, Ваҳоб- жон Тўраев, Хошимжон Со- лиев ва яна ўнлаб бўладо- зерчи, скрей- перчи, хайдов- чилар ёз жази- рамасини-ю, ки- шининг аёли тун- ларида ҳам ишни бўша- ш- тирмади.

Янги бунёд этилган суный дегенгиз Наман- ган атласидек турли тусда жи- м и р л а й д и . Кўзини яшнатув- чи турли сув қушлари бу ер- дан кўним топ- ган. Айтишлар- ичча, тунлари иссиқ ўлкаларга қишни ўтказиш учун кетаётган ғоз, ўрдақлар ҳам қирғоққа кўнинг хордиқ чикаришга одатланибди.

— 2010 йил 660 кишидан иборат жамоамиз учун тарихий сана- лардан бўлиб қолади, — дейди бош пудратчи, ташкилот раҳбари Каримжон Рўзимов. — Сув омбо- ри қурилишининг иккинчи навба- тини тугаллашга бел боғлаганмиз. Қурилиш давом этаётир...

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ishonch» муҳбири

### Инқирозга қарши чоралар дастури — амалда

Ҳар бир давлат иқтисодий барқарорликни таъминлаш бўйича ўз режа ва дастурлари, йўналишларига эга бўлади. Уларнинг ижроси тутилган йўлнинг нечоғлик тўғри ёки нотўғрилигини кўрсатади. Ўзбекистоннинг инқирозга қарши чоралар дастури ўзининг мукамаллиги билан бу синовдан ўта олди.

## Солиқдаги имтиёзлар

Дастур доирасида амалга оширилган энг муҳим тадбирларимиз — солиқ юкини енгиллаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш бўйича ҳўжалик тизимларини қўллаб-қувватлаш мақсадида қўшимча чоралар қўрилганидир.

Мамлакатимизда ҳўжалик субъектларига қўшимча солиқ ва божхона, озиқ-овқат ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар учун даромад солиғи ҳамда ягона солиқ тўловлари бўйича имтиёзлар берилди. Янги ташкил этилган уй-ҳўй қуришга ихтисослаштирилган пудрат ташкилотлари 5 йилга солиқлардан озод этилди. Шунингдек, кичик бизнес, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилаётир.

Юртбошимиз ўз маърузаларида ушбу йўналишда қилиниши лозим бўлган ишларни аниқ-равшан белгилаб берди. Унда аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантириш алоҳида таъкидланди. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 2010 йилда 49 фоизга етказиш вазифаси қўйилди. Туманимизда ушбу соҳани ривожлантириш чоралари қўрилмоқда. Бу соҳада инспекция- миз томонидан комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳар бир ходимга тизимни ривожлантириш учун алоҳида ва- зифалар юклатилган.

Мамлакатимизнинг салоҳияти, қудратини юксалтириш, иқтисодий тизимнинг рақобатбардорлигини оширишга юр- тимизнинг ҳар бир фуқароси ҳисса қўшиши лозим. Бунинг учун барча имкониятлар яратилган.

Иқром ПЎЛАТОВ, Чиноз туман давлат солиқ инспекциясининг юридик шахсларга солиқ солиш бўлими бошлиғи

### Саломатлик сабоқлари

## Қон босимингизни биласизми?



Қон босимининг доимо паст бўлиши гипотония деб юритилади. Киши ўз қон босимини аниқ билиши керак, лекин кўпчилик умуман қон босими рақамларини билмайди ва улчат- май юрaverади. Гипотонияда систолик қон босими 100 мм. симоб устунидан, диасто- лик қон босими эса 60 мм. симоб устунидан паст бўлиши кузатилади.

### Касалликнинг клиник белгилари

Гипотонияга чалинган одам тез чарчади, боши оғриғиди ва айланади, қувватсизлик, уйқусизлик ва кўп терлашдан нолий- ди. Бемор кўп тажарг бўлади, бармоқлари увишади, юрак тез уради ва юрак соҳасида оғрик сезади. Аинқиса, ўтирган ери- дан бирдан турганда боши айланади, кўз олди қоронғилашади. Айрим одамлар узок вақт тик турганда ҳам боши айланади.

Қон босими паст бўлган беморлар куннинг иссингини, офтоб- да юришни, дим жойларда ўтиришни кўтара олмайди. Аинқиса, ҳаво босимининг ошшишига сезгир бўлади. Кун бўйи ўзларини хорғин сезади, уйқудан тетик бўлиб турмайди. Бу ҳолат эрталаб 1-2 соатдан кейин йўқолади, лекин куннинг иккинчи ярмига бо- риб бемор яна чарчаб, тинкаси қурий бошлайди.

### Табобат усуллари

Эфир мойлари мия, томирлар ва юракнинг нормал фаоли- яти учун ёрдам беради. Гипотоник беморлар учун розмарин ва камфора аралашмаси, ялғиз мойи тавсия этилади. Дастурмол ёки салфеткага майдан бир неча томчи томизиб, ҳидлаб юриш мумкин.

Гипотониклар учун тут, аинқиса, қора тут жуда фойдали. Тут пишғини ўтиб кетган бўлса, шиннисидан истеъмол қилиш лозим.

Женшен илдизи, хитой лимони, элеутерококк тиндирмалари овқатланишдан олдин 15-25 томчидан кунига 3 марта ичлади. Бу тиндирмалари дорихоналардан топса бўлади. Даволаниш муддати — 1 ой.

### Овқатланиш

Гипотонияга чалинган беморлар тўғри овқатланиш тартиби- га риоя этишлари керак. Эрталаб албатта нонушта қилишлари даркор. Кунига 5-6 марта оз-оздан овқат еб, лекин туздан метёрида фойдаланиш тавсия этилади.

Овқатланиш вақтига риоя қилиш шарт. Акс ҳолда бош оғриғи, бўшашиш, бош айланиши, кучсизлик пайдо бўлиб, меҳнат фао- лиятига катта таъсир ўтказиши.

### Жисмоний машқлар

Гипотонияда жисмоний машқлар билан шуғулланиш жуда фойдали, чунки бундай доимий равишда бажариладиган машқ- лар танадаги қон айланиш тизими ва томирларнинг тонусини бир маромда ушлаб туради.

Ез кунлари ванна қабул қилиш фойдалидир. Ваннадаги сув- нинг ҳарорати 30-36 даража бўлиши керак, сувда 15 дақиқа бўлиш етади. Бу муолажани бемор доимий равишда бажарса- гина самараси сезилади.

Тоҳир ИБРОҲИМОВ, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Меҳр-мурувват кунда керак

Нодирбек аввал мактабга қатнаб ўқиди. Қараса, жуда қийналиб қоляпти. Ота-онаси уйда ўқитишга қарор қилишди. Ҳаммаси яхши-ю, фақат у синфдошларини соғинарди. Шунинг учун тез-тез ойна ёрдамида аравада мактабга келиб, улар билан учрашиб кетарди. Унинг таширидан ўроқларининг хурсандлигини кўрсангиз... Қаранг, меҳрининг кучи нималарга қодир! Шугина лаҳза унга қанчалар бахт улашади.

Эзгуликнинг мукофоти бор

Аҳоли томонидан «Меҳнат мактаби» номи оlingan Учтепа туманидаги 199-сонли махсус ёрдамчи мактаб ана шундай меҳр кўргони. Муассаса 1972 йилдан буён фаолият юритиб келади. Утган давр мобайнида бу ердан қанчадан-қанча жисмоний имконияти чекланган ёшлар ҳаётга учирма бўлмади дейсиз. Хар бир ўқувчининг кўнглига йил тоғиб, жамиятга ўз ўрнига эга бўлишида мактаб жамоасининг хизмати катта.

Айни дамда мактабда 294 нафар ўқувчига 62 нафар педагог таълим-тарбия бермоқда.

— Ўқувчиларимизни имкон қадар яхшироқ ўқитишга ҳаракат қилаймиз, — дейди мактаб директори Шаҳноза Сатторова. — Уларга намунали таълим-тарбия бериш, кейинчалик ҳаётга

лият кўрсатмоқда. Ўқув жараёнида педагогик технологияларни самарали қўллаётган, тарбиявий ишларни олиб боришда юқори натижаларга эришяётган мураббийлар меҳнатини рағбатлантириш мақсадида «Йилнинг энг яхши тўғарақ раҳбари» танлови ташкил этилган. Бу йил танловда «Бойчечак» хор тўғараги раҳбари Асалхон Хайруллаева голиб бўлди.

Мактабда интилувчан, истеъдодли ўқувчилар жуда кўп. Уларга қандай қилиб бўлмасин шариоит яратиш керак. Шу мақсадда уйда ўқитишга жалб қилинган 5-9-синф ўқувчиларини шахсий компютер билан таъминлаш ва «Zuo Net» тармоғига улаш учун кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

— Ўқувчининг маънавий онги-

ларда дам олдирилади. Тарихий шахарларга саёҳат уюштирилади. Ўқувчилар эса театрларга, Тошкент давлат циркидаги «Делфинария» томошасига олиб борилди.

Бундан ташқари, ходимларнинг тўй, таъзия маросимларида моддий ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилган. Байрамларда муассасада ишлаб кетган инсонлар ҳолидан хабар олинади.

Бу ерда таълим олаётган ўғил-қизларнинг кўпчилиги эпилепсия, дибил, даун, яъни бирон бир сабаб билан мия жароҳати туфайли азоб чекади. Шунинг учун улар билан таълим жараёни кўп ҳолларда жуда қийин кечади.

— Мактаб фаолиятиндан жуда хурсандман, — дейди фарзанди 2-синфда ўқийётган Икром Шарипов. — «Бошидан ўтганнинг қошидан ўтма», дейишди-ку. Оғир таълим-тарбия жараёнини муваффақият билан бошқараётган жамоага таъзим қиламан. Айниқса, ҳунар ўргатилаётгани жуда ям маъқул.

5200 дан зиёд китоб фондига эга кутубхонада Захро Азимова болалар билан иш олиб боради. — Уларга эртақ, ҳикоялар ўқиб бераман, — дейди у. — Менга устоз, деб мурожаат қилишганда яйраб кетаман. Улар жуда самимий, билимга чанқок болалар.

Маълум даражада ёрдам бераётганидан хурсандман. Шу йил апрел ойида Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси, «Сен ёлғиз эмассан» Республика болалар жамоатчилиги жамғармаси томонидан «Касблар дунёсига саёҳат» деб номланган меҳнат байрами ўтказилди. Мактаб ўқувчилари пойтахтимиздаги Меҳрибонлик ўйлари, интернатлар ўртасида биринчи ўринга сазовор бўлди. Уларнинг иходкорлик ишлари ҳақиқатан қилганини ҳайратга солади. Бейхотиёр улў донишманд Б.Паскалининг «Инсон табиатининг моҳияти» ҳақидаги. Тек турмушқилиқ ўлим демасди», деган сўзлари ёдга тушади.

«Саломатлик — бебаҳо бойлик. Шу боис у инсон учун берилган биринчи бахтир», дейилди ҳикमतлар китобида. Афсуски, ҳамма ҳам тенг эмас. Тақдир синовларига дучор бўлган болаларга мурувват кўрсатиб яшаш чин маънода жуда катта жасорат, десак хато бўлмайд.

Комила БОЙМУРОДОВА, «Ishonch» мухбири

Баркамол авлод — мамлакат келажаги

Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли Қарши шаҳар Болалар ва ўсмирлар спорт марказида ёшлар сув спорти, оғир атлетика, бадий гимнастика каби спортнинг ўнлаб турлари билан шуғулланмоқда.



Бу ерда ёш спортчилар учун барча шариоит яратилган. Айниқса, бадий гимнастика секциясида тажрибали устоз Вера Катаева раҳбарлигида олиб борилаётган машғурлотлар диққатга сазовор. Яқинда бўлиб ўтган республика биринчилигида ўн ёшли қизлар ўртасида Асал Шокирова совриндор бўлган бўлса, Россия федерациясида ўтказилган халқаро турнирда ўн ёшли Дилмира Ашурова фахрли иккинчи ўринни эгаллади.

Суратларда: халқаро мусобақа совриндори Дилмира Ашурова; ёш гимнастикачилар Дилмира Ашурова, Асал Шокирова ва Азиза Мирзаева. Шомурод ШАРИПОВ (ЎЗА) олган суратлар



Орамиздаги одамлар

Ўзбек бокс мактаби кейинги йилларда жадал ривожланиб бормоқда. Урганчилик Баҳодир Жуманиёзов бокс бўйича спорт усталлигига номзод. У катталар ўртасида Осиё ва Жаҳон чемпионатларида бир неча бор ҳакамлик ҳам қилган.

Дунёнинг таниқли ҳакамларидан бири бизнинг ҳамкасбимиз

Унинг ҳакамлик фаолияти 1989 йилдан бошланган бўлиб, 1995 йил Тошкентда бўлиб ўтган Осиё чемпионати ўзига хос сино вазифасини ўтади. 2004 йилда Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида АИБА ҳакамлигига имтиҳон топшириб, ҳакамлик қилиб келаётган.

— Ҳакам сифатида қатнашган биринчи нуфузли турнир 1996 йилда Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида ўтган катталар ўртасидаги халқаро турнир эди. Шундан кейин Истамбул шаҳридаги халқаро мусобақада, АҚШнинг Санантонио шаҳрида ўтган ҳарбий боксчилар ўртасидаги Жаҳон чемпионатида ҳакамлик қилдим. 2002 йил Жаҳоний Кореянинг Пусан шаҳрида ўтган Осиё ўйинлари ҳамон ёлдим. Унда ўзбекистонлик боксчилар ҳам муваффақиятли иштирок этган эди. Афина олимпиадаси саралаш мусобақаларининг ўч боксчида ҳакамлик қилиш шарафига муяссар бўлдим, — дейди Баҳодир ака.

Ўтган йили Италиянинг Милан шаҳрида катталар ўртасидаги Жаҳон чемпионатида мамлакатимиз жамоаси ҳам иштирок этди.

Баҳодир Жуманиёзов жаҳондаги энг забардаст боксчилар беллашувини одиллик билан бошқариб, спортчи ва мухлислар эътиборига ўтди.

— Ҳакамликда асосий шарт бу — холислик. Қолаверса, ҳар бир жангта диққат билан ёндашиш керак. Айниқса, боксчиларнинг зарбаларига эътибор қаратилади. Беллашув жараёнида жанг-

ни бошқара билиш, боксчиға рефери буйругини ўз вақтида етказиш, уларнинг хатоларини ўзига тўлиқ аниқлаш керак, — дейди у.

Айни пайтгача Б. Жуманиёзов рефери (ўрта ҳакам) сифатида 7 та, ён ҳакам сифатида 73 та жанг бошқарган. Миландаги Жаҳон чемпионатидан сўнг Б.Жуманиёзов рейтингга кўра, кучли бешликдан ўрин олди. Шунинг ҳам айтиш керакки, юртдошимиз Миланда Марказий Осиё ва Қозғистондан борган ягона ҳакам эди. Осиё кўтбасидан эса 7 нафар ҳакам иштирок этди.

Яқинда халқаро тоифадаги ҳакам Канаданинг Монреал шаҳрида ўтган бокс бўйича ҳакамлар ўқишида тахсил олиб қайтди; соҳадаги янгиликлар билан бирга жаҳоннинг етакчи ҳакамлари тажрибасини ўрганди. Баҳодир Жуманиёзов шу кўнларда Ўзбекистон касабга уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти Хоразм вилоят лоятда кўлаб етишиб чиқшига ишонман, — дейди у.

— Темур Ибрагимов, Алишер Раҳимов, Мирзабек Хасанов каби жаҳонга таниқли боксчилар вилоятда кўлаб етишиб чиқшига ишонман, — дейди у.

Режимбой ШЕРЖАНОВ, Агросаноат мажмуи ходимлари касабга уюшмаси Янгибозор тумани кенгаши раиси, миллий кураш ва дзюдо бўйича спорт устаси



интеграциялашувига қўмаклашиш, маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда фаол ҳаётга жалб этиш олий мақсадимиздир.

Бу борада кўплаб ишлар амалга оширилди. Баркамол авлод йили мусобаботи билан Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси томонидан 9 та компютер берилди. Ўқувчиларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши, малакали устозлар билан таъминланишига катта эътибор қаратилмақда. Республика болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Фармед» хусусий корхонаси мактабга доимо ёрдам қўлини узатмоқда. Самара ҳам чаки эмас. Шашка бўйича шахар мусобақаси, стол тенниси бўйича «Спейшл олимпикс» дастурида фахрли ўринлар эгалланди.

Мактабда эликдан зиёд дурдорлик, тикувчилик, тўқувчилик, нуқ ўстириш, мебел таъмирлаш, темирчилик, моҳир кўллар, логопедия, қизиқарли математика, пазандачилик ва бошқа кўплаб тўғарақлар фао-

ни ривожлантиришга алоҳида эътибор беришимиз талаб этилади, — дейди мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Раъно Низомова.

— Ўқув-тарбия жараёнини тизимли ташкил этиш, ўқувчиларда жамиятда бўлаётган воқеаларга нисбатан фаол муносабат, дахлдорлик ҳиссини шакллантириш борасида тинимсиз иш олиб бораёلمиз. Улар ниятда меҳнаткаш, қизиқувчан. Битирувчиларнинг касб-ҳунари бўлишига эришилмоқда.

Дарвоқе, ўтган йили мактабимиз Учтепа туман ҳокимлиги томонидан тўлиқ капитал таъмирдан чиқарилди. Айни шу кунда «Кўбча» соғломлаштириш майдончасига 100 нафар бола қатнапти.

Жамоннинг етарли куч-қувват билан ишлашида касабга уюшмаси алоҳида фаолилик кўрсатапти. Математика ўқувчиси Гулноза Абдуразоқова ташкилот етакчиси сифатида ходимлар манфаатини ҳимоялашда бошқор. Ўқувчилар ҳар йили Ку-мушкон, Чимён каби сикхатқо-

Соғломлаштириш



Болалар қувончи чексиз

Ёзининг жазирма кўнларига оромгоҳда дам олиш жуда мароқли. Турли тўғарақларда иштирок этиш, янги дўстлар орттириш ва бадантарбиянинг завоқи ўзгача.

Сергели туман 317-мактаб қошида очилган «Кўнғироқча» оромгоҳида ҳар навбатда 140 нафар ўғил-қиз дам олдирилади. Уларнинг мазмуни ҳордиқ чиқаришлари учун қизиқарли ўйинлар, турли тадбирлар, семинарлар, шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар, тўғарақлар ва спорт мусобақалари ташкил этилган. Жумладан, гуруҳлар ўртасида ўтказилаётган «Кўноқ экспресс», «Миллий рақслар», «Кўноқ стартлар», «Балли қизлар», «Нептун байрами» тадбирлари дам олувчиларда яхши таассурот қолдирди.

Н. ЖҲРАБЕКОВА

«Ройтакт ауксион» ДУК

2010 йил 2 сентябр куни аукцион савдоларини ўтказди

Аукцион савдоларига Тошкент ш., Юнусобод тумани, Ш.Рашидов кўчаси, 11-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Президенти аппарати Ишлар Бошқармасининг автохўжалиги тасарруфидаги д/р 01/319 PPP ва 01/362 PPP, бошланғич нархи 2 977 743 сўмдан, 1994 й. и/ч иккита, д/р 01/375 PPP, бошланғич нархи 3 110 081 сўм бўлган, 1996 й. и/ч бит/р 01/406 PPP, 01/332 PPP ва 01/334 PPP, бошланғич нархи 2 262 451 сўмдан утда, д/р 01/363PPP, 01/354 PPP, 01/365 PPP, 01/291КАА, бошланғич нархи 2 244 312 сўмдан тўртта, 01/374 PPP, бошланғич нархи 1 439 742 сўм, 01/370PPP, бошланғич нархи 2 448 340 сўм, 01/368 PPP, бошланғич нархи 2 030 858 сўм, 1995 й. и/ч, д/р 01/355PPP, бошланғич нархи 2 030 858 сўм, 1992 й. и/ч, д/р 01/377 PPP, бошланғич нархи 1 798 242 сўм бўлган жами 12 та «ГАЗ-31029», 1996й.и/ч, д/р 01/283PPP, бошланғич нархи 4 859 167 сўм бўлган «Супер салон»;

1999 й. и/ч, д/р 01/399 PPP, бошланғич нархи 3 791 785 сўм бўлган «Нексия»; 1994 й.и/ч, д/р 10AQ567, 10AV118, бошланғич нархи 2 621 703 сўмдан бўлган иккита ДЭУ «Лабо»; 1997 й.и/ч, д/р 01/361PPP, бошланғич нархи 2 775 845 сўм бўлган «Тико»; 1998й. и/ч, д/р 01/430 PPP, бошланғич нархи 6 668 758 сўм бўлган «Газ 3221»; 1995 й. и/ч, д/р 10BA802, бошланғич нархи 5 630 966 сўм бўлган «Газ 330210»; 1987 й. и/ч, д/р 10AQ554, бошланғич нархи 2 422 944 сўм бўлган «УАЗ-330301»; 1986 й. и/ч, д/р 10AQ553, бошланғич нархи 2 602 489 сўм бўлган «УАЗ-374101»; 1987 й. и/ч, д/р 10AQ571, бошланғич нархи 1 862 000 сўм бўлган «ПАЗ-672м»; 1984 й. и/ч, д/р 10AQ397, бошланғич нархи 3 478 945 сўм бўлган «ГАЗ-5312»; Тошкент вилояти, Паркент тумани, О.Фархатий кўчаси, 5-уйда жойлашган Паркент тумани давлат солиқ инспекцияси тасарруфидаги 2000 й. и/ч, д/р 10/272JAA, бошланғич нархи 3 200 000 сўм бўлган «Тико»; Тошкент шах-

ри Юнусобод тумани Сайилгоҳ кўчаси 5-уйда жойлашган «Ниқуқ ва Вирс» ижтимоий-хуқуқий журнали тахририят тасарруфидаги 1996 й.и/ч, д/р 10AR585, бошланғич нархи 2 480 000 сўм бўлган «Газ-31029» русулими автотранспорт воситалари қўйилади. Аукцион савдолари соат 11:00да бошланади. Буюртма қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал соат 18:00да тўхтаилади. Савдоларда қатнашиш учун автотранспорт воситаларининг бошланғич нархидан камида 20 фоизи миқдорда зақалат пули «РОУТАКТ АУКСИОН» ДУКнинг АТИБ «Ипотэка-банкнинг Шайхонтохур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000004243151002 ҳисоб рақамига тўланади. Автотранспорт воситаси савдолари голибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичиде олди-сотиш шартномасини имзолаш, тўланган зақалат миқдори соати олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани шартнома тузилгун-

га қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади. Мазкур объектлар юқориде белгиланган савдо куниде сотилмаган тақдирда навбатдаги ҳафталарнинг пайшанба кўнлари ўтказиладиган савдоларга қўйилади.

Аукцион ўтказиладиган қўйидаги манзилдан қўшимча маълумотлар олиш мумкин: 100060, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-А-уй.

Алоқа телефони: 233-23-49, телефакс: 233-23-40, электрон почта P-A DUK@mail.ru

Шунингдек, ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти аппарати Ишлар Бошқармаси автохўжалигининг давлат рақами 01/435 PPP бўлган «Супер салон» 7 850 000 сўмга, «Toshshahartransportbta» уюшмаси 2-сонли троллейбус депоси тасарруфидаги д/р 10AS767 бўлган Нексия 4 100 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.



Muassis:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:

Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:

- Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib), Ma'mura ADILOVA, Mirzohid SODIQOV, Normamat ALLAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Oysuluv NAFASOVA, Pirimqul QODIROV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Shamsi ESONBOYEV

Bo'limlar:

- Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot 256-03-90, Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43, Reklama va e'lonlar 256-87-73

Manzilimiz:

100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasini, 24-uy E-mail: mail@ishonch.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Navbatchi muharrir:

A. Qodirova

Navbatchi:

N. Maxamov

Musahhih:

S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Sahifa lovihi: H.Abdujalilov

«Sharh» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etiladi. Korxonasi manzili: «Buyuk Taron» ko'chasini, 41-uy.

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan. Gazeta oset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda marba shtabika gazeta nomi ko'rsatilib shart. Mualliflari fikri ta'biriyot nuqtai nazaridan farg'atish mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

Bosishga topshirish vaqti - 21.00

Topshirildi - 22.00

Byuortma G — 651

12995 nusxada bosildi ISSN 2010-5002 2 3 4 5